

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА УМИДА ШУХРАТОВНА

**ЖИГАР НОАЛКОГОЛЬ ЁҒ ХАСТАЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА БИОИМПЕДАНСМЕТРИЯ ВА ОВҚАТЛАНИШ
БУЗИЛИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТЕРАПИЯНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усманова Умида Шухратовна

Жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда
биоимпедансметрия ва овқатланиш бузилиши кўрсаткичларини
хисобга олган ҳолда терапияни оптималлаштириш..... 3

Усманова Умида Шухратовна

Оптимизация терапии больных с неалкогольной жировой
болезнью печени с учетом показателей биоимпедансметрии и
нарушений пищевого поведения..... 23

Usmanova Umida Shuhratovna

Optimization of therapy of patients with non-alcoholic fat
liver disease, taking into account the indicators of
bioimpedance and eating disorders..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА УМИДА ШУХРАТОВНА

**ЖИГАР НОАЛКОГОЛЬ ЁҒ ХАСТАЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА БИОИМПЕДАНСМЕТРИЯ ВА ОВҚАТЛАНИШ
БУЗИЛИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТЕРАПИЯНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1659 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Даминов Ботир Тургунпулатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хамраев Аброр Асрорович тиббиёт фанлари доктори, профессор Юлдашева Гулчехра Рустамовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент Давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунда жигар ноалкогол ёғ хасталиги (ЖНЁХ) сурункали жигар патологиясининг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. EASL-EASD-EASO маълумотларига кўра, «...ЖНЁХ вирусли гепатит С ва алкоголли жигар касалликларидан тарқалиш кўлами жихатидан олдинда туради ва умумий жигар хасталиклари таркибида биринчи ўринни эгаллайди...»¹. Сўнги маълумотларга кўра ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида ЖНЁХ 40%дан кўпроқ учраса, бошқа сурункали жигар касалликлар сони эса сезиларли даражада ўзгармаган. Айни пайтда ЖНЁХнинг этиологияси ва касалликнинг патогенетик ривожланиш механизмлари тўғрисида аниқ тушунча йуклиги сабабли касалликни даволаш ва олдини олиш масалалари тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ЖНЁХни ташхислаш ва даволашнинг анъанавий усуллари, хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЖНЁХнинг хавф омилларини яъни беморларнинг психосоматик ҳолати, овқатланиш ҳулқи, гендер фарқлари, оқсил ва ёғ алмашинувининг ҳолати, жисмоний фаолиятини аниқлаш, шунингдек бу касалликни даволаш масалалари ҳозирги кунда тўлиқ ечимини топилмаганлигини инобатга олиб, самарали даволаш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий татқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида жигар касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ЖНЁХ ташхисоти ва даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичинини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон

¹ EASLEASD-EASO Clinical Practice Guidelines for the management of non-alcoholic fatty liver disease. J Hepatol 2016; 64 (6): 1388–402. Ueamporn S., et al. Gender differences in the prevalence of nonalcoholic fatty liver disease in the Northeast of Thailand: A population-based cross-sectional study. Version 2. F1000Res. 2017; 6: 1630).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тудан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган йирик тадқиқотларда жигарнинг ноалкогол ёғ хасталиги барча турдаги жигар касалликлари ичида биринчи ўринда туриши қайд этилган (Younossi Z.M. et al., 2016; Драпкина О.М. и др., 2019; Wong S.W. et al., 2020). Жигарда аввало жигар ноалкогол ёғ стеатози шаклланади. Бу эса аста-секин ноалкогол стеатогепатит ва ноалкогол жигар циррози ривожланишига олиб келади (Manu V.C. et al., 2020). ЖНЁХли беморлар 16-20%да ноалкогол стеатогепатитдан то циррозгача, айримларида гепатоцеллюлар карцинома ривожланганлиги маълум қилинган (Viganò L. Et al., 2018). Сўнгги йилларда ЖНЁХли беморлар генетик жиҳатдан инсулин резистентликка мойил бўлиб, орттирилган омиллар (камҳаракат ҳаёт тарзи, носоғлом овқатланиш, салбий одатлар, стресс) касалликнинг клиник намоён бўлишига олиб келади. (Achiri Arunkumar, 2017).

ЖНЁХда углевод ва ёғ алмашинувининг бузилишларини аниқлашда биоимпендасметрия истиқболли усуллардан биридир (Jiashu Yao, 2019). Биоимпедансметрия усулидан фойдаланиш ёрдамида бутун дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқотларда бир қатор натижалар олинган, шу жумладан: юрак етишмовчилиги бўлган беморларда танадаги гипергидратация ҳисобига импеданс вектор камайиши аниқланган, таянч-ҳаракат тизими фаолияти бузилиши ва юрак кахексияси сингари танадаги ўзгаришлар, (Instituto Nacional de Enfermedades Respiratorias “Ismael Cosío Villegas”, Mexico) (Dulce González-Islas et al., 2020), юрак етишмовчилигидаги периферик шиш мезонлари қабул қилинган (Cardiology Unit of Altamura Hospital, Italy) (Francesco Massari MD et al., 2016), ахволи оғир беморларнинг ўлимини башорат қилишда биоимпеданс таҳлилининг (БТ) омиллари аниқланди (Jinling Hospital, China) (Jiashu Yao et al., 2019), ортиқча тана вазни болаларда тана таркиби бузилиши башорат қилиш формулалари келтирилган (Wollongong Hospital, Department of Nuclear Medicine, Australia) (Jane Cleary et al., 2008) БТ ни 6 дан 12 ёшгача бўлган соғлом болаларда суяк минерал зичлигининг умумий ва субтотал бузилишларини башорат қилишда қўллаш самарали эканлиги асосланган (Chang Gung Medical Foudation, Taiwan) (Li-Wen Lee, 2019).

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ЖНЁХ касаллиги ривожланишининг мултиомил жиҳатлари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Улар орасида ўзбек миллатига мансуб ЖНЁХли беморларда

касаллик юзага келиши ва ривожланишида PNPLA3 генининг тутган ўрни аниқланган (Собирова Г.Н., 2017). ЖНЁХ бўлган беморларда ADIPOQ +276G> T ген полиморфизмининг инсулин резистентлик синдроми (ИР) таркибий қисмлари билан боғлиқлик натижалари намоён этилган (Иминова, 2020).

Шу билан бирга Ўзбекистонда ЖНЁХда оқсил ва ёғ алмашинувининг, рационага амал қилмаслик ҳамда, жисмоний фаоллик ўртасидаги боғлиқлик ўрганилмаган. Шунини таъкидлаш керак-ки, ЖНЁХ учун даволаш самарадорлиги ва тана таркибий қисмлари ўзгариши кўрсаткичларининг эрта диагностик белгиси сифатида биоимпеданс ўлчов натижаларини баҳолаш мезони сифатида ўрганилмаган. Юқорида айтиб ўтилганларни инобатга олиб, овқатланиш рационининг бузилишини психосоматик сабаблари ва турларини ўрганиш, шунингдек пархезнинг таъсирини баҳолаш, миқдорланган жисмоний фаолият ва когнитив хулқ-атвор (КХТ) терапиясининг ЖНЁХ кечишига таъсирини баҳолаш замонавий гастроэнтерологиянинг долзарб вазифаларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Сурункали касалликларининг замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021 йй)

Тадқиқотнинг мақсади жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан касалланган беморларда биоимпедансометрия ва овқатланиш хулқи бузилишларини ҳисобга олган ҳолда мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигар ноалкогол ёғ хасталиги кечишининг оғирлик предикторларини беморларнинг клиник, биокимёвий ва анамнестик кўрсаткичлари асосида аниқлаш;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда тананинг тўқима таркибидаги ўзгаришларини ва биоимпедансометрия хусусиятлари ҳамда имкониятларини аниқлаш;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда овқатланиш хулқи бузилишларининг турларини аниқлаш;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги кечишига пархезни, миқдорланган жисмоний фаолиятни ва когнитив хулқ-атвор терапиясининг таъсирини баҳолаш;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бор беморларни олиб бориш учун индивидуаллаштирилган алгоритмни гендер хусусиятлари, оқсил ва ёғ алмашинувининг ҳолатини, овқатланиш хулқи ва жисмоний фаолиятни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2019-2020 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида стационар ва амбулатор даволаниш курсини ўтган 20 дан 77 ёшгача бўлган 100 нафар бемор ва назорат гуруҳига

20 нафар амалий шартли соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг асосий биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш учун капилляр қон, веноз қон ва зардоб олинган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида умумклиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор жигар ноалкогол ёғ хасталиги бор беморларда биоимпедансометрия усули ёрдамида тана тўқима таркибидаги ўзгаришлар ҳамда нутритив ҳолат динамикаси аниқланган;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда овқатланиш меъёри бузилишларининг психосоматик сабаблари ва турлари аниқланган;

углевод ва ёғ алмашинувидаги бузилиш даражаси ва овқатланиш меъёрий ўзгаришлари ўртасидаги ижобий коррелятив мутаносиблик аниқланган;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда фиброз ва стеатознинг ривожланишини секинлаштиришда комбинирланган терапия (парҳез, миқдорланган жисмоний фаоллик ва психотерапия) самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан оғриган беморларда жигар функционал кўрсаткичлари, ёғ алмашинуви ва гликемик профил кўрсаткичларининг динамикаси таққосланган ва олинган натижалар баҳоланган;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан оғриган беморларда даволашда Голланд ва библиографик сўровномалар натижалари асосида ортиқча овқатланишга сабаб бўловчи салбий фикрларни аниқлаш ҳамда уларнинг ички мижозларини ҳал қилиш учун кўшимча равишда когнетив хулқ атвор терапия курси киритилиши шартлиги асосланган;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан оғриган беморларда биоимпедансометрия усули ёрдамида тана тўқима таркибини ҳосил қилувчи ёғ массаси, фаол ҳужайра ва ёғсиз массалар кўрсаткичларининг аҳамияти асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жигар ноалкогол ёғ хасталиги ривожланиш хавфи ортишига сабаб бўлувчи ортиқча тана вазни одамларда биоимпедансометриядан фойдаланиш диагностика чегараларини кенгайтириш орқали, касалликнинг кечишини башорат қилиш диагностик

усулларини ишлаб чиқиш, касалликнинг юзага келиши ва ривожланиши сабаб-оқибат муносабатларининг мултиомил алоқаларининг ахамиятини очиб бериш, ЖНЁХнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти жигар ноалкогол ёғ хасталиги индивидларининг овқатланиш хулқининг бузилиши турлари ва психосоматик ҳолатини баҳолаш, биоимпеданс натижаларига кўра углевод ва липид алмашинувининг бузилиши билан намоён бўлиши, ва шу билан касалликнинг авжланишини ва асоратлар ривожланишини олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда биоимпедансметрия ва овқатланиш бузилиши кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда терапияни муқобиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жигарнинг ноалкогол ёғ хасталигини эрта ташхислашда замонавий ёндошув бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Жигарнинг ноалкогол ёғ хасталигида семизликни эрта ташхислашда замонавий ёндошув» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 8н-з/207-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларнинг хавф гуруҳини аниқлаш, шунингдек, Жигар ноалкогол ёғ хасталиги бор беморларни эрта профилактикаси имконини берган;

жигарнинг ноалкогол ёғ хасталиги метаболик асоратларини эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Жигарнинг ноалкогол ёғ хасталиги метаболик асоратларини эрта ташхислаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 8н-з/207-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ноалкогол ёғ хасталиги метаболик асоратларини эрта ташхислаш ва беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда биоимпедансметрия ва овқатланиш бузилиши кўрсаткичларни баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, 7 – шаҳар клиник шифохонаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказий клиникаси, Жондор туман тиббиёт бирлашмаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 08-09/12983-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш даволаш сифатини оширишга, жигардаги модда алмашинуви яхшиланиши беморни тез фурсатда тана вазни индексини нормаллашуви ва шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, улардан 2 таси халқаро, 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 104 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси доирасида илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти амалий тиббиётда тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталиги ривожланиши ва кечиши, шаклланиши, башоратлаш ҳақидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар, эпидемиология ва касалликнинг дунёда тарқалиши, ташхис қўйиш хусусиятлари, касалликнинг ривожланишига сабаб бўлган омиллар шарҳига бағишланган. Овқатланиш хулқининг бузилиши бўйича илмий ишлар маълумотлари, биоимпеданс диагностик имкониятлари, шунингдек Жигар ноалкогол ёғ хасталиги (ЖНЁХ) учун дори воситалари билан даволашни оптималлаштириш, тасдиқланган стандартларга мувофиқ келтирилган ва ЖНЁХли овқатланиш хулқи бузилиши бор бўлган беморларни муаммосини илмий ҳал қилиш учун муаллифлик ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациясининг «**Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари**нинг умумий хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар баён этилган. Диссертация асосига 2019-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (РИТ ва ТРИАТМ) гастроэнтерология бўлимида стационар ва амбулатория даволаниш курсидан ўтган тана массаси индекси (ТМИ) 25 дан баланд 100 нафар беморни клиник текшириш натижалари киритилган бўлиб, назорат гуруҳи сифатида 20 нафар шартли-соғлом шахслар клиник текширув натижалари олинди. Беморларнинг ёши 20 дан 77 ёшгача бўлиб, ўртача ёш 51,9 ± 0,98 ташкил қилди, шу жумладан тадқиқотда 35 эркак ва 65 аёл қатнашди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ихтисослашган клиник (анамнез йиғиш, текшириш), биокимёвий, инструментал, биоимпеданс тадқиқотлар (БТ), шунингдек овқатланиш хулқ-атворларни баҳолаш ўтказилди. Биоимпедансометрия кўрсаткичларига кўра индивидуал парҳез терапияси буюрилди. Барча беморларга мослаштирилган парҳез терапияси ва 2 ой давомида дозаланган жисмоний фаолият буюрилди. БТ натижаларига кўра, беморларга фаол ҳужайра массаси (ФҲМ) камайишида

овқатланишга оқсилли озиқ-овқат миқдорини ошириш, базал метаболизмнинг пасайишида эса овқатланиш сонини кўпайтириш ва хужайра ичидаги суюқликнинг кўплиги кузатилганда туз қабул қилишнинг камайириш буюрилди. Тадқиқотга олинганда жисмоний фаоллик даражаси баҳоланиб, у импеданснинг фазавий бурчаги (ИФБ) кўрсаткичи билан аниқланди. Беморларга миқдорланган юриш буюрилди. Юриш суръати ва қадамлар сони беморлар томонидан мобил телефонга ўрнатилган илова ёрдамида кузатиб борилди. Беморлар кундалик босиб ўтилган масофани, шунингдек, кўшимча жисмоний машқлар мавжудлигини қайд этиб бордилар. Терапиядан сўнг, асосий терапия фониди қониқарсиз натижаларга эга бўлган беморларга кўшимча равишда когнитив хулқ-атвор терапияси, жумладан юзма-юз, Internet-назорат (Zoom) ва телефон орқали 1,5 ойлик 10 сеансга мўлжалланган терапия буюрилди.

ЖНЁХ таъхисиллаш мақсадида беморни текширишнинг умумий режаси тузилди: умумий қон таъхили; биокимёвий қон таъхили гамма глутамин транспептидаза (ГГТ), аланин аминотрансфераза (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ), ишқорий фосфатаза ва умумий билирубин миқдорини аниқлаш.; липид кўрсаткичларини ўрганиш: умумий холестерин (УХ), паст зичликдаги липопротеин (ПЗЛП), юқори зичликли липопротеин (ЮЗЛП), триглицеридлар (ТГ) ферментатив колориметрик усул асосида реактив тўпламлари ёрдамида, автоанализаторда (Mindray) амалга оширилди. ИР даражаси гомеостаз баҳолаш модели НОМА (homeostasis model assesment) ёрдамида билвосита, ИР коэффициентини ҳисоблаш билан амалга оширилди.


БТ Республика ихтисослаштирилган спорт тиббиёти марказида МС780 тана таркибининг кўп частотали биоимпеданс сегмент анализатори ёрдамида амалга оширилди. Қорин бўшлиғи аъзоларининг ултратовуш текширувлари «АЛОСА» қурилмасида (Япония) реал режимда 3,5 МГц частотали датчик ёрдамида амалга оширилди.

Ташқи омилли, чегараловчи, эмоциноген овқатланиш хулқи бузилишлар турларини аниқлаш ва баҳолаш учун учун биографик сўровнома, овқатланиш хулқ-атворини баҳолаш шкалалари ва Голланд сўровномаси натижаларидан фойдаланилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш «Статистиса 6.0» амалий дастурлар пакети ёрдамида амалга оширилди. Нормал тақсимотда мустақил ўзгарувчиларнинг таққосланган ўртача қийматлари орасидаги фарқларни баҳолаш учун Студентнинг t-критерийси (2 та гуруҳ) ёки F (2 тадан ортик гуруҳ) критериясини ҳисоблаш билан бир омилли вариацион таъхили (ANOVA) дан фойдаланилди. Кичик намунавий ўлчамлар ва рақамли маълумотларнинг нормал тақсимот қонуни билан номувофиклиги учун Манни-Уитни ва Уилкоксон мезонларидан фойдаланилди. Ўрганилаётган гуруҳда белгиларнинг юзага келиш частотасини баҳолаш Пирсон χ^2 усули билан амалга оширилди. Корреляцион таъхил Пирсон корреляцион критерийси ёрдамида параметрик усул билан амалга оширилади. $p < 0,05$ қийматида статистик аҳамиятга эга деб белгиланди.

Диссертациянинг «Жигар ноалкогол ёғ хасталиги бор беморларининг

клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари» деб номланган учинчи бобда беморларнинг ярмида диспепсия ва қорин оғриғи синдромига яъни ўнг қовурға ёйи остида оғриқлар ёки ноқулайлик билан намоён бўлиши аниқланди. Ультратовуш текшируви ЖНЁХ беморларнинг 63,0%да шундан НАСГ билан 9% ва СГ билан 54% беморда жигарнинг ёғ инфильтрацияси диффуз формаси аниқланди. (1-расм) Ушбу беморларда жигарнинг бутун юзаси бўйлаб эхогенликнинг бир хил ортиши кузатилди. Ўчоқли шакли анча кам тарқалган бўлиб- НАСГ билан 4 беморда ва СГ билан 9 беморда аниқланди, уларда ёғ инфильтрацияси айрим соҳаларда учради. Барча ҳолатларнинг тўртдан бир қисмида (НАСГ билан 6 ва СГ билан 18) локал шакл аниқланган бўлиб, ёғ инфильтрациясининг алоҳида катта майдонлари билан намоён бўлган. Баъзида ўзгармаган паренхиманинг катта қисмини сақлаган ҳолда жигарнинг бутун бўлагини эгаллаган.



1-расм. ЖНЁХ бўлган беморларда ёғли жигар инфильтрацияси шаклларининг тақсимланиши (%)

ЖНЁХда жигарнинг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида цитолиз ва холестаза кўрсаткичларини ўрганиш ва қон зардобининг липид спектрини аниқлаш амалга оширилди. НАСГ билан оғриган беморларда биокимёвий текширувлар кўрсатдики (1-жадвал) « цитолиз» маркерлари АлАТда 6,0 марта ва АсАТда 4 марта сезиларли ўсиш кузатилди. ЖНЁХ бўлган беморларда ГГТП ва ишқорий фосфатаза (холестазаининг маркери) кўрсаткичи 4 мартадан ортиқ ошди ($p < 0,05$). Бундан ташқари, АлАТ, АсАТ, ГГТП ва ИФ кўрсаткичлари ҳам НАСГ гуруҳида оддий стеатоз билан таққослаганда анча юқори бўлган.


СГ ва НАСГ гуруҳларида липид спектрининг параметрларини таққослаганда НАСГ билан оғриган беморлар гуруҳида ПЗЛП (36%) ва ТГ (3,5маротаба) нинг ўртача кўрсаткич даражасидан анча ошган бўлса, СГ билан оғриган беморлар гуруҳида шу кўрсаткичларни мос равишда 12,0% ва 2 баробарига ошган. Бу қон зардобиди ЮЗЛП, оддий стеатоз гуруҳида 23,0% га, НАСГ билан оғриган беморларда эса 25,7%га миқдорининг камайиши фониди кузатилди.

ЖНЁХ бўлган беморларнинг биохимик кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Соғлом шахслар	СГ n= 82	НАСГ n=18
АлАТ, Ед/л	19,3± 3,3	21,8±1,72	**131,8±1,66*
АсАТ, Ед/л	20, 2± 4,4	17,36±1,36	**85,5±14,2*
Билирубин, мкмоль/ л	9, 2±0,51	11,4±2,12	11, 4±1,60*
ИФ, Ед/л	73,2±22,9	242,1 ±14,83*	^327,2±28,22*
ГГТП, Ед/л	39,73±7,3	68,7±3,37*	158,6±19,60 *

Изох: * - фарқ соғлом шахсларга нисбатан сезиларли ($p < 0,01$) ^ - ишончилилик СГ бўлган беморлар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ($p < 0,05$)

ТГ/ЮЗЛП индекси ИР билвосита маркери бўлиб (-1,32 чегара қиймати), НАСГли барча беморларида ошган бўлиб ($2,44 \pm 0,25$), кўпчилик СГ (82%) беморларида шу кўрсаткичнинг отриши кузатилди. ЖНЁХ бўлган беморларда юрак-қон томир касалликлари хавфини белгиловчи ПЗЛП/ЮЗЛП нисбати ошганлиги кузатилди. Шундай қилиб, бу кўрсаткич СГ билан оғриган беморларда $2,77 \pm 1,21$, НАСГ билан оғриган беморларда эса $3,73 \pm 1,57$ ни ташкил этди. (2 -расм)




Изох: * - ишончилилик соғлом шахсларга нисбатан сезиларли ($p < 0,05$)

2-расм. Тадқиқотдаги беморларнинг углевод алмашинуви кўрсаткичлари

Нахордаги инсулин миқдорининг индивидуал таҳлил қилинганда НАСГ билан оғриган беморларда СГ билан оғриган беморларга нисбатан 1,44 марта ошганлиги қайд этилди. НОМА -ИР кўрсаткичи бўйича баҳоланганда ЖНЁХда инсулинга сезирлигини камайиши ва базал гиперинсулинемия кузатилди. ИРнинг миқдорий характеристикасини берувчи НОМА-ИР кўрсаткичининг даражаси унинг нормал чегараси - 2,27 дан ортиқ бўлиб, СГ билан оғриган беморларда 2,97, НАСГ билан оғриган беморларда эса 4,28 ни ташкил этган (2-расм). Шундай қилиб, НОМА-ИР кўрсаткичи бўйича баҳоланганда ЖНЁХ бор беморларда инсулинга сезувчанлигининг камайиши

кузатилди.

Диссертациянинг «Жигар ноалкогол ёғ хасталигида биоимпендансметрик ва антропометрик кўрсаткичлар» деб номланган тўртинчи бобида, оддий стеатоз гуруҳи 13,4% беморларда тана вазни нормал қийматлар кўрсатилган эди. СГ билан деярли 28,0% (23 бемор) ва НАСГ билан 27,8% (5 бемор) - ортиқча тана вазнли ёки семирликдан олдинги босқичда эди. Шу билан бирга СГ бўлган шахсларда мос равишда 1 -, 2-ва 3-даражали семирлик 36,6% (30), 15,9% (13) ва 6,1% (5) эканлиги аниқланди. Худди шундай, НАСГ билан оғриганларнинг 22,2% да – 1 даражада семирлик, 27,8% (5) да – 2 даражадаги ва 22,2% (4) – 3 даража семирлик кузатилди (3-расм). Шундай қилиб, оддий стеатоз билан оғриган беморлар 1-даражали семирлик ва НАСГ билан оғриганлар 2-даражали семирлик ва ортиқча тана вазнли ёки семирликдан олдинги босқичда кўпроқ учраши аниқланди.



3-расм. ЖССТ таснифига кўра ТМИ градацияларига тақсимланган ЖНЁХ мавжуд беморлар миқдори

Ёғ тўқимасининг биоимпенданс улуши турли қийматларни кўрсатди. Шундай қилиб, ёғ массасининг нормал қийматлари 18% беморларда, 7% да – ортиқча миқдордалиги ва 75% да - семирлик аниқланди (2-жадвал). Назорат гуруҳида фақат 20%да ёғ миқдори ошганлиги кузатилди. Шундай қилиб, ЖНЁХ бўлган беморларда ёғ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 61%, сезиларли даражада юқори бўлди.

2-жадвал

Тадқиқотдаги шахсларда аниқланган ёғ миқдори

№	Ёғ миқдори кўрсаткичлари	Беморлар	Назорат гуруҳи
1	<12%	Озиб кетиш	-
2	12-17%	Кам миқдор	0%
3	17-22%	Нормал	18%
4	22-27%	Ортиқча миқдор	7%
5	> 27%	Семирлик	75%

Тадқиқот давомида кўпчилик беморларда реактив ва актив қаршилиқлар нисбатининг арктангенси бўлган 50 кГц частотада ўлчанган импеданснинг фазовий бурчаги (ФБ) 5,4° дан паст бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Selberg O. шкаласи бўйича импеданснинг фазовий бурчаги

Градация	Кўрсаткичлар	Беморлар, %	Назорат гурухи, %
Юқори даража	7,8°дан баланд	7	10
Норма	5,4°-7,8°	42	70
Гиподинамия	4,4°-5,4°	51	20
Сурункали касаллик	4,4°дан паст	-	-

Олинган натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЖНЁХли беморларнинг 42% да ФБ даражаси нормал қийматларда бўлиб, 51% да у жисмоний фаолиятнинг паст даражасига, яъни кам ҳаракатлилиқка мос келди. Шу билан бирга тадқиқотдагиларнинг 7% да юқори даражадаги жисмоний кўрсаткич қайд этилди. Батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, жисмоний фаолликнинг паст даражаси НАСГ билан оғриган беморларнинг 61,1% ва СГ билан оғриганларнинг 48,8%га хос эди. СГ билан оғриган беморларнинг 8,53%да ФБ юқори жисмоний фаолликни кўрсатди. Кўрсаткичнинг пасайиши инсон танаси ёғ массасининг фойиздаги ўзгариши билан боғлиқ корреляцияси аниқланди. Бу икки кўрсаткич семизлик ва юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини аниқлаш имконини беради.

Атероген липидлар ПЗЛП ($r=0,47$ ва $r=0,47$ $p<0,01$), ва ТГ ($r=0,35$ ва $r=33$, $p<0,01$) параметрларини ўрганиб муносабатларни баҳолаш **корреляцион таҳлил** қилинганда инсулин концентрацияси ва НОМА-ИР қиймати ўртасида муҳим, лекин кучсиз мусбат муносабатлар топилди. Инсулин концентрацияси ва НОМО-ИР ҳамда анти-атероген липидлар қиймати - ЮЗЛП ($r=-0,23$, $p<0,05$; ва $r=-28$, мос равишда, $p<0,01$) ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли, аммо клиник жиҳатдан (кучсиз) салбий муносабатлар мавжуд эди.

Бундан ташқари, ТГ/ЮЗЛП интеграл индекси инсулин концентрацияси ($r=0,46$, $p<0,01$) ва НОМА-ИР қиймати ($r=0,45$, $p<0,01$) билан сезиларли ижобий корреляцияланди. Шундай қилиб, корреляцион таҳлил гиперинсулинемия ва липид спектрининг атерогеник трансформацияси ўртасидаги муҳим муносабатни кўрсатди.

Цитолитик синдромнинг яққоллиги гиперинсулинемиянинг оғирлиги билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади: АЛТ ва АСТ фаолияти билан инсулин концентрацияси ўртасида кучли мутаносиблик ($r=0,58$ ва $r=0,52$, мос равишда $p<0,01$) ва периферик веноз қондаги аминотрансферазалар фаолияти ва НОМА-ИР ($r=0,45$ ва $r=0,43$, $p<0,01$) нинг қиймати ўртасидаги кучсиз бевосита муносабат борлиги аниқланди. Цитолитик синдромдан ташқари холестатик

синдром ва гиперинсулинемиянинг оғирлиги орасида ўзаро боғлиқлик аниқланди: ишқорий фосфатазанинг фаолияти инсулин концентрасияси ($r=0,41$, $p<0,01$) билан кучсиз корреляцияланса, ГГТП фаолияти инсулин концентрасияси ($r=0,58$, $p<0,01$) ва НОМА-ИР қиймати билан ($r=0,43$, $p<0,01$) бевосита ўртача куч билан боғланган.

Периферик қондаги инсулин концентрасияси, аммо НОМА-ИР қиймати эмас, ЖНЁХ бўлган беморларнинг оғирлиги ва ТМИ билан ($r=0,24$ ва $p=0,21$ мос равишда $p<0,01$) жуда заиф боғланган, мушак-скелет массасининг нисбати ($r=0,27$) ва ёғнинг нисбий нисбати ($r=-0,23$, $p<0,05$) билан ўзаро боғлиқлиги салбий эканлиги топилди. Импедансининг фаза бурчаги катталигининг корреляциясига нисбатан парадоксал мутаносиблик топилди: дастлаб, индикатор НОМА-ИР ($r=-0,26$, $p<0,01$) қиймати билан салбий жуда заиф боғланган эди ва коррекцион методларни қўллагандан сўнг, алоқанинг кутбилиги ўзгарди, импедансининг фаза бурчагининг инсулин концентрасияси билан корреляцияси заиф мусбат боғланганлиги аниқланди. ($r=-0,39$, $r=-0,39$, $p<0,01$).

4-жадвал

Ўрганилган параметрларнинг корреляцион ўзаро мутаносиблиги


Кўрсаткич	Инсулин	НОМА-ИР
ХС	0,07	0,09
ПЗЛП	0,47**	0,45**
ЮЗЛП	-0,23*	-0,28**
ТГ	0,35**	0,33**
ТГ/ЮЗЛП 4,43/1,81=2,44	0,46**	0,45**
АЛТ	0,58**	0,45**
АСТ	0,52**	0,43**
Билирубин	-0,04	-0,07
ИФ	0,41**	0,22*
ГГТП	0,58**	0,43**
Глюкоза	0,74**	0,96**
Бўй	0,03	0,00
Тана вазни	0,24*	0,11

Изох: * - корреляция коэффициентининг ишончилиги. * белги – $p<0,05$, ** белги – $p<0,01$.

Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталигида беморларнинг овқатланиш хулқи**» деб номланган бешинчи бобида, БИТ натижаларига кўра текширилган беморларнинг кўпчилигида семизлик белгиларини топганимиз учун бу беморларда овқатланиш хулқи бузилишлар мавжудлигини ўрганишга қарор қилдик. Таҳлил беморларнинг 27,0% тўғри

овқатланиш (ТО) ҳар қандай бузилиши йўқлигини кўрсатди (4-расм).

Голланд сўровномасига асосланиб, 43,0% беморларда эмоцоген овқатланиш хулқ-атвори борлиги аниқланди, яъни улар ҳиссий безовталиқ (ташвиш, безовталиқ ва бошқалар) билан овқатланишга рағбатлантирилди. Улардан 91,0% компулсив овқатланиш характериға эға бўлиб, яъни клиник жиҳатдан икки соатдан ортиқ давом этмаган ортиқча овқатланиш аниқланди.




4-расм. Овқатланиш хулқининг бузилишлари (%)

Шу билан бирга, улар ошқозон ёқимсиз тўлиш ҳис қадар катта миқдорда овқат истеъмол қилишларини, бу жараёни тўхтатиш ёки овқат миқдорини камайтиришға қодир эмасликларини қайд этдилар. 8,0% беморларда тунги кўп миқдорда овқатланиш қайд этилган. Беморлар ёмон уйқу, эрталаб озиқ-овқатға нафрат билан уйғониб, куннинг биринчи ярмида иштаҳа йўқлиги ва кундалиқ калориянинг 50 %ини кечки пайт қабул қилиш ҳамда кечқурун уйғониб кетиши ва юқори калорияли озиқ-овқат қабул қилиш кузатилди. Нотўғри овқатланиш (НО) нинг экстернал тури 20% беморларда аниқланди. Ушбу турдаги беморнинг ташқи стимулларға сезгирлиги баланд бўлади, масалан, тўкин дастурхон, озиқ-овқат рекламаси, ёнида овқатланаётган шахс ва х.к.. ЖНЁХли 10та беморда (10%), НОнинг учинчи тури – чекланган тури аниқланди. Бундай беморлар анамнезида даврий каттиқ парҳезлар мавжудлигини қайд этдилар. Батафсилроқ таҳлил шуни кўрсатдики, аёлларда овқатланиш хулқининг ҳиссий(эмоцоген) тури устунлик қилди ва эркакларда экстернал турдаги тури устунлик қилди. НОнинг эмоциогенли тури бўлган беморларда бошқа беморларға нисбатан жисмоний фаоллик пастлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Даволаш динамикасида беморларнинг клиник ва


биокимёвий, инструментал ва биоимпенданс кўрсаткичлари» деб номланган олтинчи бобида, барча беморлар цитолитик ва холестатик жараёнларни камайтириш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, НОнинг эмоциноген тури бўлган шахсларда АлАТ даражаси юқори қийматларида қолди ва уларнинг баъзиларида нормага тушиш қайд этилмади. Ёғли жигар дистрофиясининг бошқа бир, кам бўлмаган муҳим белгиси, липид спектрининг динамикасини ўрганиш давомида қуйидаги хусусиятлар аниқланди. Умумий холестерин, ПЗЛП, ТГ ни камайтириш ва ЮЗЛП ни ошириш тенденцияси мавжуд эди. Аммо ҳеч бир гуруҳда сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Овқатланиш хулқи бузилмаган беморларда кўрсаткичлар яхшиланишга мойиллиги катта бўлган. Шундай қилиб, амалга оширилган даволаш липидограмма параметрларига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

ЖНЁХ билан беморларнинг биоимпенданс параметрлари даволаш сўнг тана оғирлиги, тана массаси индекси, ёғ массаси улуши кўп беморларда сезиларли пасайиши аниқланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, овқатланиш хулқи бузилиши бўлмаган беморларда ТМИ нинг сезиларли пасайиши даволанишдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан 26,4% ни ташкил этди (5-расм). Экстернал ва чекловчи турлари бўлган беморларда бу кўрсаткич деярли 10,0% га қисқарди. Бироқ, эмоциноген турга эга бўлган шахсларда дастлаб тана вазнининг камайиши, кейин ортиши қайд этилди ва баъзи ҳолларда вазн тадқиқот давомида олдингидан кўпроқ ошди. Бу ТМИ индексида ўз аксини топган бўлиб, бу когортада $35,0 \pm 6,67$ ни ташкил этди.




5-расм. ЖНЁХ ли беморларда ТМИ кўрсаткичлари

1-гуруҳ беморлар - овқатланиш хулқи бузилиши бўлмаган беморлар гуруҳ бўлиб, ёғ миқдори сезиларли даражада 29,5%, ва 3 ва 4 гуруҳлари 18,2% камайди. (6-расм). Бироқ, аввалги ҳолатда бўлгани каби, овқатланиш хулқининг эмоциноген тури бўлган беморларда ёғ миқдори камайиши сезиларсиз бўлиб, фақат 8,9% ни ташкил қилди.



6-расм. Биоимпеданметрияга кўра ёғнинг миқдори

Юқоридаги кўрсаткичлар ЖНЁХ ли беморларнинг ёғ массаси фоизига кўра биоимпеданс таснифида акс этган бўлиб, унда энг яққол баланд кўрсаткичлар 1-гуруҳда (38,9%), энг ками эса 2-гуруҳда (9,7%) бўлганлиги аниқланди (7-расм).




7-расм. Ёғ массаси фоизига кўра таснифланиши

Таъкидлаш лозимки, бу беморларнинг 57%да биз биоимпеданс параметрларни муҳим ўзгаришларини топдик. Бироқ, беморларнинг 43% да вазни дастлаб пасайган, сўнгра дастлабки кўрсаткичларга келиб, 7 та беморда бошланғич вазн ортиши кузатилган. Батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, бу шахслар НО нинг эмоциоген турига эга. Бу касаллик ёки депрессия туфайли парҳезнинг бузилиши билан боғлиқ эди. Бу беморларда салбий ҳис-туйғулар: ташвиш, қўрқув, касалликлар, турмуш шароитининг ўзгариши ва бошқалар

қайд этилган. Шу муносабат билан, уларда ички можарони ҳал қилиш учун кўшимча равишда когнитив хулқ-атвор психотерапия курси тайинланган ва психологик текширув 3 марта ўтказилди. Психотерапия сеансларида ЖНЁХ билан оғриган бемор овқатланиш хулқи бузилишларининг триггерларини аниқлаш ва динамикани кузатиш имконини берадиган онлайн мослаштирилган кундаликни тўлдирди. Библиографик сўровномалар натижалари асосида ортиқча овқатланишга сабаб бўлган салбий фикрларни аниқлаш мумкин бўлди; турмуш тарзини кўриб чиқиш ва уни нормаллаштириш (ортиқча зўриқишларга йўл қўймаслик, иш ва дам олишни тўғри ташкил этиш учун қайта кўриб чиқиш, барча қўзғатувчи омилларни бартараф этиш ва бошқалар.). Энг муҳими «парҳездаги руҳий тушкунлик»ни олдини олиш учун, барча тавсиялар биргаликда эмас, балки аста-секин ҳафтасига бир - икки тавсияни киритиш ва беморга янги озуқавий кўникмаларини жорий этиш тавсия этилди. Когнитив хулқ-атвор терапияси 2 ҳафта давомида ҳафтасига 6 марта амалга оширилди. Когнитив хулқ-атвор терапияси 42 бемордан 43%ида вазнини камайтиришга имкон берди, фақат 1 беморда вазн ўзгармади. Шунини таъкидлаш керакки, вазн йўқотиш «тўғри» эди, яъни ФХМ ошишида ва ёғ массасининг улуши камайтириши туфайли юз берди. (8-расм)

Шундай қилиб, ЖНЁХ ли беморлар овқатланиш хулқи бузилиши учун текширилиши керак. Эмоционоген турга эга беморларда, овқатланиш ва жисмоний фаолиятни тузатиш билан бирга, мутахассис психотерапевт ёрдамида КХПни ўтказиш керак.



8-расм. Психокоррекциядан кейин НО нинг эмоционоген тури бўлган беморларда биоимпеданс параметрлари

ЖНЁХ ли беморларда ЖНЁХ ва унинг метаболик асоратлари ҳосил бўлиш эҳтимолини аниқлаш мақсадида ЖНЁХ ривожланишининг прогностик мезонларини БИТ, липид ва углевод алмашинуви бузилиши, овқатланиш

бузилиши асосида ишлаб чиқиш амалга оширилди. Биз таклиф этган мураккаб ташхислаш ва терапия, ЖНЁХ патогенезининг бир вақтнинг ўзида бир неча алоқаларини қамраб олиб, полипрагмазияни бартараф этиш ва шу билан фармакоэкономик афзалликка эга бўлиш имконини беради.

Шундай қилиб, инсон танасининг компонент таркибини аниқлаш учун бимпедансометрик усулдан фойдаланиш терапевтлар, гастроэнтерологлар ва умумий амалиёт шифокорларга жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини тўғри талқин қилиш, конституциявий меъёрни ва ортикча ёғ йиғилишининг дастлабки кўринишларини фарқлаш, шунингдек ЖНЁХ ли беморларда етарли терапия ўтказиш имконини беради. Ёғ йиғилиши бузилган ЖНЁХ бўлган беморларга нафақат клиник ва биокимёвий параметрларни, балки БИТ ва ТО бузилишлари кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш тавсия этилади. Шунга кўра, бундай беморларга гепатопротекторлар билан асосий даволанишни буюриш етарли эмас. ЖНЁХ бор бўлган беморларга БИТ натижасига кўра, миқдорланган юришни тайинлаш, парҳез, шунингдек, НОнинг эмоциогенли тури бўлган шахсларга когнитив хулқ-атвор терапияси тайинлаш тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Жигар ноалкогол ёғ хасталиги бўлган беморларда биоимпедансометрия ва овқатланиш бузилиши кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда терапияни оптималлаштириш» мавзусидаги диссертацияси (PhD) қуйидаги хулосаларни беради:

1. ЖНЁХли беморларни мажмуавий текшируви шуни намоён қилдики, ЖНЁХ ривожланишида метаболик синдром муҳим аҳамиятга эга: инсулин концентрацияси ҳамда НОМА-ИР ва ПЗЛП қиймати ўртасида ($r=0,47$ ва $r=0,47$, $p<0,01$) ва ТГ ($r=0,35$ ва $r=0,33$, $p<0,01$) ўртасида; ТГ/ЮЗЛП интеграл индекси билан инсулин концентрацияси ($r=0,46$, $p<0,01$) ва НОМА-ИР ($r=0,45$, $p<0,01$) қиймати ўртасида; АЛТ ва АСТ активлиги ва инсулин миқдори ($r=0,58$ ва $r=0,52$ мос равишда, $p<0,01$) ҳамда аминотрансферазалар фаолияти ва НОМА-ИР қиймати ($r=0,45$ ва $r=0,43$, $p<0,01$) ўртасида ва ГГТП билан инсулин миқдори ($r=0,58$, $p<0,01$) ўртасида корреляцион ўзаро боғлиқлик топилди.

2. Биоимпедансометрия орқали танадаги ёғ ва мушак массаси, тана суюқлик тармоқлари ҳажми, жисмоний фаолият даражаси ЖНЁХда, семизлик ва юрак-қон томир асоратларни ривожланиш хавфини аниқлаш имконини беради; ЖНЁХ бўлган беморларнинг тана тўқима таркибини баҳолаш шуни маълум қилдики, ортикча тана вазни ва семизликни ТМИ бўйича таснифланишида, биоимпедансометрик таҳлилларга кўра аниқланадиган танадаги ёғ массаси фойизи кўрсаткичига нисбатан паст сезувчанликга эга ва 21% семизлиги бор бўлган беморларни ўтказиб юборилиши мумкинлиги аниқланди.

3. ЖНЁХ бор беморларда овқатланиш хулқ-атворини баҳолашда 27,0% да овқатланиш хулқ-атворини бузилмаганлигини, 43% ида эмоциоген тури, 20,0% - экстернал ва 10,0% - овқатланиш хулқ-атворининг чекловчи тури

кузатилди, аёлларда эмоциногенли тур ва эркакларда эса экстернал турдаги овқатланиш хулқ-атвори устунлик қилди.

4. Индивидуаллаштирилган парҳез терапияси ва дозаланган жисмоний фаолликни ишлатиш 57,0% беморларда сезиларли клиник, биокимёвий ва биоимпедансметрик ўзгаришларга олиб келди, аммо овқатланиш хулқ-атворининг эмоциноген тури бор бўлган беморларда асосий даволанишга когнитив хулқ-атвор терапияси қўшилиши шарт қилинди.

5. ЖНЁХли беморларни биоимпеданс кўрсаткичларини овқатланиш одатларини, жисмоний фаолиятни ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштирилган алгоритмдан фойдаланиб олиб бориш, метаболик касалликларни эрта ташхислаш ва терапия самарадорлигини башоратлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

УСМАНОВА УМИДА ШУХРАТОВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ ТЕРАПИИ БОЛЬНЫХ С НЕАЛКОГОЛЬНОЙ
ЖИРОВОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПЕЧЕНИ С УЧЕТОМ ПОКАЗАТЕЛЕЙ
БИОИМПЕДАНСМЕТРИИ И НАРУШЕНИЙ ПИЩЕВОГО
ПОВЕДЕНИЯ**

14.00.05 -Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Tib1659

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Даминов Ботир Тургунпулатович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамраев Аброр Асрорович**
доктор медицинских наук, профессор

Юлдошева Гулчехра Рустамовна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный
стоматологический институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 год.
(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2021 года).

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А.Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик РУз АН

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире неалкогольная жировая болезнь печени (НАЖБП) является наиболее распространенной формой хронической патологии печени. Согласно EASL-EASD-EASO, «...Масштабы распространенности НАЖБП опережают вирусный гепатита С и алкогольные заболевания печени и занимают первое место в структуре распространенных заболеваний печени...»¹. Кроме того, несмотря на то, что количество других хронических заболеваний печени значимо не изменилось, НАЖБП лидирует у более 40% населения развитых стран. В данный момент, многие вопросы НАЖБП пока ещё далеки от разрешения. Так, этиология и патогенез заболевания остаются до конца не изученными. По вопросам терапии НАЖБП также нет единого мнения исследователей, что диктовало необходимость поиска их решений.

В мире проводится ряд научных исследований по созданию фундаментальных основ для изучения факторов риска развития НАЖБП, разработке мероприятий по профилактике заболеваний, ранних методов диагностики и эффективных способов лечения. Одним из таких факторов является психосоматический статус и пищевое поведение больных НАЖБП. Учитывая это, становится понятной актуальность исследования, направленная на разработку персонифицированного ведения больных НАЖБП с учетом гендерных различий, психосоматического статуса, состояния белкового и жирового обмена, характера питания и физической нагрузки.

В нашей Республике на сегодняшний день осуществляются широкомасштабные реформы по коренному улучшению качества и доступности высокотехнологичной специализированной медицинской помощи больным с заболеваниями печени. «...Повышение эффективности, качества и приемлемость медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажных служб и диспансерного ухода, поддержка здорового образа жизни и профилирование заболеваний»². Это позволит улучшить методы диагностики и лечения НАЖБП среди населения, а также, снизить уровень инвалидности и смертности в результате осложнений заболеваний за счет повышения уровня предоставления современных качественных медицинских услуг.

Диссертационное исследование в определенной степени соответствует выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию

¹ EASLEASD-EASO Clinical Practice Guidelines for the management of non-alcoholic fatty liver disease. J Hepatol 2016; 64 (6): 1388–402. Ueamporn S., et al. Gender differences in the prevalence of nonalcoholic fatty liver disease in the Northeast of Thailand: A population-based cross-sectional study. Version 2. F1000Res. 2017; 6: 1630).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Республики Узбекистан»³ от 7 февраля 2017 года, №УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

